

11-01/114-son

5 noyabr 2025 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"



Вилоят ҳокими

Н.Т.Турсунов

**Вилоят ҳокимлигининг аппарат йиғилиши
БАЁНИ**

2025 йил 3 ноябрь

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: Н.Турсунов - вилоят ҳокими

Қатнашдилар: Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш (*edo.ijro.uz* платформасида назоратда турган ҳужжатлар, олдинги аппарат йиғилишларида берилган топшириқлар ижроси);

2. Камбағалликни қисқартириш, “ИШ БЕРИНГ” каналидаги мурожаатлар, мигрантлар билан ишлаш, бандлик ҳамда олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалалари бўйича белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида;

3. Хизматлар соҳасини ривожлантириш, хусусан М-37 автомобиль йўли бўйида хизмат кўрсатиш объектлари ва мебелчилик марказини ташкил этиш, драйвер лойиҳалар ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳолати “оғир” тоифадаги туманлар ва маҳаллалар бўйича берилган топшириқлар ижроси тўғрисида;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги ПФ-173-сонли Фармонига мувофиқ, ҳудудларда “Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш” тадбирларининг ўтказишга тайёргарлик ишларининг бориши ва келгусидаги вазифалар тўғрисида;

5. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига ерларни ва кўчатлар захирасини тайёрлаш ҳамда куз-қиш мавсумига (кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектлари) тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида;

5. Бошқа масалалар (Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жамғариш, чиқинди, субсидия).

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, Э.Ғаффоров, Ж.Ходжаев, М.Мамадиярова, А.Муллажонов, О.Рўзиев, Б.Тоиров, С.Назаров, Л.Хайруллаев, Н.Сафоев, Қ.Ражабов, Ғ.Алиев, Д.Эргашев, Н.Рахманов, Ш.Болтаев, Р.Рўзиев, Б.Бобомуродов, А.Файзиев, О.Умаров, У.Елмуратов, У.Адизов, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб, вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари ҳамда вилоят ташкилотлари раҳбарларига Давлат Раҳбари, Президент Администрацияси ва Ҳукумат томонидан жорий йил учун белгиланган вазифа ва топшириқлар ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифалар топширилди:

ўзига юклатилган вазифалар ижросини қайта сарҳисоб қилиб, биринчи навбатда қилиниши керак бўлган ишларни белгилаб олиш;

оқсаётган соҳалар ва кўрсаткичларнинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, муаммоларни ҳал қилиш юзасидан зарурий чора-тадбирларни белгилаб олиш;

жорий йил ноябрь-декабрь ойларида амалга оширилган ишлар ва белгиланган прогноз-топшириқларни тўлақонли ва муддатидан олдин бажариш бўйича аниқ механизмларни белгилаш;

тизимда ишловчи раҳбар ходимларнинг шахсий масъулиятини яна бир карра ошириш ва уларга вазифаларини аниқ белгилаб бериш;

Давлат Раҳбарининг 2024 йил 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари вилоятга ташрифи бўйича имзоланган 47-сонли йиғилиш баёни, 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарори ҳамда жорий йил 7 августдаги Тақдиротда белгилаб берилган топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш;

ижро интизомига қатъий риоя қилган ҳолда, кунлик сўров ва амалий натижа юзасидан ишларни ташкил қилиш.

Шунингдек, ижро интизомига риоя қилиш, Давлат Раҳбарининг топшириқлари, вилоят ҳокимлигининг олдинги ўтказилган аппарат йиғилишларида берилган топшириқлар ижроси муҳокама қилиниб, масъулларга тегишли кўрсатма ва вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, вилоят ҳокими ўринбосари (Ҳикматов)га Нурота тумани ҳокимлиги (Файзиев) билан биргаликда жорий йилнинг 7 август кuni “Навоий вилоятида ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ҳамда аҳолини қийнаётган масалаларга ечим топиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар” юзасидан ўтказилган йиғилиш (23.09.2025 йилдаги 45-сон) баёнининг 9-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши

курашиш агентлиги билан гаплашиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ҳисобот бериши ҳамда инвестор ва республикадаги масъуллар билан ишлаб, масалани ҳал қилиш чораларини кўриш топшириғи берилди.

Вилоят ҳокимлиги котибияти мудир (Болиев)га Қизилтепа тумани ҳокими (Бобомуродов) билан биргаликда баённинг (23.09.2025 йилдаги 45-сон) 7-банди бўйича Қизилтепа туманида “Янги аср” ФХ томонидан умумий қиймати 12 млн доллар бўлган замонавий чорвачилик комплексини барпо этиш учун “Маликобод” маҳалласи Тошработ ҳудудидаги 10 гектар яйлов ерлари тоифасини ўзгартириш бўйича Ҳукумат комиссиясига таклифларни киритиши ҳамда вилоят Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (Низомов), вилоят Яйлов хўжалиги бошқармаси (Халилов) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил Навоий вилоятига ташрифи якунлари бўйича тасдиқланган 47-сонли баённоманинг 42-банди ижроси бўйича шуғулланиб, вилоят ҳокимига ҳисобот бериши белгилаб қўйилди.

Йиғилишда, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилиниб, камчиликларга йўл қўйган масъуллар огоҳлантирилди.

Жумладан, инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари учун белгиланган режа Зарафшон шаҳри, Кармана, Учқудуқ, Томди туманларида бажарилмаганлиги ҳамда сентябрь ойида аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш бўйича платформага киритилган маълумотлар Навоий, Зарафшон шаҳарлари, Конимех, Нурота, Томди, Учқудуқ туманларида ўз тасдиғини топмаганлиги учун вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ғаффоров) ва тегишли туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарлари огоҳлантирилди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев) билан биргаликда 5-босқич камбағаллик реестрига киритилган оилалар рўйхатини маҳаллаларга бириктирилган масъул раҳбарларга ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларига етказилишини таъминлаш топшириғи берилди.

Шунингдек, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Сафоев) ҳамда вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (Ҳайитова)га 4- ва 5-босқичда камбағаллик реестрига киритилган оилаларнинг тиббиёт ва таълим билан боғлиқ муаммоларни тўлиқ ҳал этилишига шахсан масъул эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев)га олий таълим ва профессионал таълим битирувчилари, меҳнат

миграциясидан қайтганлар ва ишсиз алимент тўловчилар бандлигини таъминлаш бўйича ҳисобот жадвалларини шакллантириш ҳамда кунлик маълумотларни вилоят ҳокимлигига киритиб бориш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги ПФ-173-сонли Фармонига мувофиқ, ҳудудларда “Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш” тадбирини ўтказишга тайёргарлик ишларининг бориши ва келгусидаги вазифалар муҳофаза қилиниб, тегишли масъулларга Фармон талабларидан келиб чиқиб ишларни ташкил этиш юзасидан вазифа ва топшириқлар берилди.

Хусусан, туман (шаҳар) ҳокимликларига бир кун муддатда ҳар бир ҳудудда комиссия ва штаблар фаолиятини тўлиқ йўлга қўйилишини таъминлаш;

вилоятнинг олис ҳудудларидаги маҳалла фуқаролари йиғинларида жорий йилнинг 20 ноябрга қадар аҳоли ва қишлоқ хўжалигини тўлиқ рўйхатдан ўтказилишини ташкиллаштириш;

вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Махмудов)га, Фермерлар кенгаши (Ярлакабов)га, вилоят Ветеренария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (Низамов)га, Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Нишонов)га ҳокимликлар билан биргаликда фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланаётган барча корхоналарни рўйхатдан ўтишини ташкил этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга, йиғилишда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳофаза қилиниб, куз мавсумида кўчат экиш ишларини ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Олдинги йўл қўйилган хато ва камчиликлардан келиб чиқиб, бу мавсумда дарахт кўчатларини кузда экишни кўпайтириш зарурлиги ҳамда суғориш тизими ва имконияти йўқ жойларга дарахт кўчатларини экмаслик алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Корхона (ташкilot) раҳбарларига “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида бириктириб берилган майдонларда кўчат экиш учун тайёргарлик ишларини бугундан бошлаш, кўчат экиш учун ерларни тайёрлаш, кўчатлар захирасини яратиш, маҳаллий ўғит жамғариш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ишларини ташкил этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси (Қодиров)га “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида туман (шаҳар) ҳокимликлари ва корхона ва

ташкilotлар билан биргаликда кузги мавсумда ҳудудларда манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини экиш ишларини ташкил этиб, дарахт кўчатлари захирасини яратиб, ер жойларни экишга тайёрлаш;

кузги мавсумда ҳудудларда манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини экиш ишларини алоҳида назоратга олиб, кунлик амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳокимига ахборот киритиб бориши алоҳида қайд этиб ўтилди.

Йиғилишда, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, кўп квартирали уй-жой фондини 2025/2026-йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кескин танқид қилинди ҳамда масъулларга нисбатан эътирозлар билдирилиб, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш, бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, йиғилиш кун тартибида вилоятда 2025-2026 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ишларини бориши муҳокама қилиниб, мавсум учун 13 642 тн асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шундан 5384 тн картошка, 2503 тн пиёз, 3921 тн сабзи ва 1834 тн гуруч маҳсулотларини захирага жамғариш белгиланганлиги юасидан кўрсатмалар берилди.

2025 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига fsp.agro.uz тизимига жами 7 962 тонна (60,4%), шундан картошка 2 543 тонна (49,7%), пиёз 2 191 тонна (90,6%), сабзи 2 111 тонна (54,9%) ва гуруч 1 117 тонна (62,2%) маҳсулотлари захираси яратилганлиги танқид қилинди.

Шунингдек, картошка маҳсулоти Зарафшон шаҳрида 10 фоиз, Қизилтепа туманида 14,1 фоиз, Навбаҳор туманида 23,3 фоиз, Учқудуқ туманида 30,3 фоиз, Томди туманида 34,1 фоиз ва Хатирчи туманида 39,7 фоиз, пиёз маҳсулоти Хатирчи туманида 17,1 фоиз, Томди туманида 46,7 фоиз, сабзи маҳсулоти Ғазғон шаҳрида 9,1 фоиз, Кармана туманида 13,6 фоиз, Хатирчи туманида 19,4 фоиз, гуруч маҳсулоти Ғазғон шаҳрида 6,7 фоизга, Зарафшон шаҳрида 18,2 фоиз, Хатирчи туманида 20,7 фоиз, Нурота туманида 28,6 фоиз жамғарилганлиги қаттиқ танқид қилинди ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларига ва тегишли масъулларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини жамғариш ишларини жадаллаштириш бўйича кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб туман (шаҳар) ҳокимлари ва тегишли масъулларга белгиланган вазифаларни сифати ва муддатида амалга оширилишини таъминлаш бўйича топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари, вилоят ташкилотлари раҳбарларига Давлат Раҳбари, Президент Администрацияси ва Ҳукумат томонидан жорий йил учун белгиланган вазифа ва топшириқлар ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифалар топширилади:

ўзига юклатилган вазифалар ижросини **қайта сарҳисоб қилиб, биринчи навбатда қилиниши керак бўлган ишларни белгилаб олиш;**

оқсаётган соҳалар ва кўрсаткичларнинг сабабларини **чуқур таҳлил қилиб, муаммоларни ҳал қилиш** юзасидан зарурий чора-тадбирларни белгилаб олиш;

жорий йил ноябрь-декабрь ойларида амалга оширилаган ишлар ва **белгиланган прогноз-топшириқларни тўлақонли ва муддатидан олдин бажариш** бўйича аниқ механизмларни белгилаш;

тизимда ишловчи **раҳбар-ходимларнинг шахсий масъулиятини яна бир карра ошириш** ва уларга вазифаларини аниқ белгилаб бериш;

Давлат Раҳбарининг 2024 йил 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари вилоятга ташрифи бўйича имзоланган 47-сонли йиғилиш баёни, 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарори ҳамда жорий йил 7 августдаги Тақдиротда белгилаб берилган **топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш;**

ижро интизомига қатъий риоя қилган ҳолда, кунлик сўров ва амалий натижа юзасидан ишларни ташкил қилиш.

2. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ҳикматов**), Нурота тумани ҳокимлиги (**Файзиев**) жорий йилнинг 7 август куни “Навоий вилоятида ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ҳамда аҳолини қийнаётган масалаларга ечим топиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар” юзасидан ўтказилган йиғилиш (23.09.2025 йилдаги 45-сон) баёнининг 9-банди ижросини таъминлаш мақсадида:

бир кун муддатда ижроси республика Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш ва чўлланишга қарши курашиш агентлиги билан билан гаплашиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ҳисобот берсин;

уч кун муддатда инвестор ва республика билан ишлаб, масалани ҳал қилиш чораси кўрилсин.

3. Вилоят ҳокимлиги котибияти мудир (**Болиев**):

Қизилтепа тумани ҳокими (**Бобомуродов**) билан биргаликда **икки кун муддатда** баённоманинг (23.09.2025 йилдаги 45-сон) 7-банди бўйича Қизилтепа туманида “Янги аср” ФХ томонидан умумий қиймати 12 млн доллар бўлган замонавий чорвачилик комплексини барпо этиш учун “Маликобод” маҳалласи Тошработ ҳудудидаги 10 гектар яйлов ерлари тоифасини ўзгартириш бўйича Ҳукумат комиссиясига таклифларни киритиши;

вилоят Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (**Низомов**), вилоят Яйлов хўжалиги бошқармаси (**Халилов**) билан биргаликда **бир кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил Навоий вилоятига ташрифи якунлари бўйича тасдиқланган 47-сонли баённоманинг 42-банди ижроси бўйича шуғулланиб, вилоят ҳокимига ҳисобот бериши белгилаб қўйилсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ғаффоров**), вилоят Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (**Азимов**), туман (шаҳар) ҳокимликлари **беш кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сон қарорининг 5-иловасидаги муддатида ишга тушмайдиган лойиҳаларнинг муддатларини узайтириш ва бошқа лойиҳаларга алмаштириш бўйича Ҳукумат комиссиясига таклиф киритиш чораларини кўрсин.

5. Вилоят ҳокимлигининг 2025 йил 20 октябрдаги аппарат йиғилиши баёнининг (21.10.2025 й, 11-02/107-сон) ижросини таъминлаш мақсадида:

вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), “Навоийсувқурилишинвест” ДМ (**Назаров**) **бир ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 апрелдаги ПҚ-132-сонли қарорига асосан, Хатирчи туманидаги аҳолига ижара асосида ажратилган 370 гектар ер майдонлари ва 600 гектар яйлов ерларида боғлар, сабзавот ва полиз экинлари экиш учун тик қудуқларни қуриш топшириғини охирига етказиб, назоратдан ечиш чораларини кўрсин;

Навбаҳор тумани (**Рашидов**), Томди тумани (**Умаров**) ҳокимлари **бир ҳафта муддатда** даромади пасайган камбағал оилаларнинг даромадини ошириш чораларини кўриб, натижаси бўйича ахборот киритсин;

Кармана (**Болтаев**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Навбаҳор (**Рашидов**), Хатирчи (**Адизов**) туманлари ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ-20-сонли қарори бўйича аҳолига ижара асосида ажратилган ерларни деҳқон хўжалиги сифатига рўйхатдан ўтказиш ишларини охирига етказилишини таъминласин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ғаффоров**) туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарлари:

инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари учун белгиланган режа Зарафшон шаҳри (86 фоиз), Кармана (67 фоиз), Учқудуқ (73 фоиз), Томди (97 фоиз) туманларида бажарилмаганлиги;

сентябрь ойида аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш бўйича платформага киритилган маълумотлар Навоий (26 фоиз), Зарафшон (32 фоиз) шаҳарлари, Конимех (55 фоиз), Нурота (38 фоиз), Томди (26 фоиз), Учқудуқ (45 фоиз) туманларида ўз тасдиғини топмаганлиги учун **огоҳлантирилсин.**

7. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) жорий йил якунига қадар бандлик дастури ижроси юзасидан **ҳар ҳафта якуни билан** амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳокимига таҳлилий маълумотларни киритиб борсин.

8. Кармана тумани ҳокими (**Болтаев**) туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Ҳусанов**) билан биргаликда аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича белгиланган январь-октябрь ойлари режасини тўлиқ бажариш чораларини кўрсин.

9. Туман (шаҳар) ҳокимларининг ўз ҳудудидаги ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида мурожаат билан чиқиш ташаббуслари маъқуллансин.

“Иш беринг” канали орқали мурожаат йўллаган ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш бўйича қайтадан ўрганиб чиқиб, мурожаатчилар мурожаатларини ижобий қаноатлантириш бўйича барча зарурий чораларни кўриб борсин.

10. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (**Раубаева**), вилоят Телевиденияси (**Муқимов**):

уч кун муддатда туман (шаҳар) ҳокимларининг ўз халқига йўллаган мурожаатларини ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритилишини;

бир ҳафта муддатда “Иш беринг” канали орқали мурожаат йўллаган фуқароларнинг бандлиги таъминланганлиги юзасидан ҳаққоний ҳолатни жойига чиққан ҳолда мурожаатчи билан шахсан учрашиб, танқидий ўргансин ҳамда тайёрланган видеоматериалларни вилоят ҳокимига киритилишини таъминласин.

11. Қуйидагилар **беш кун муддатда** 4-босқич камбағаллик реестрига киритилган оилалардаги муаммоларни ҳал этиб, белгиланган тартибда камбағаллик дастуридан чиқариш чораларини кўрсин ҳамда амалга оширилган ишлар натижадорлиги тўғрисида белгиланган тартибда Штабга ҳамда вилоят ҳокимлигига ахборот киритсин:

а) Кармана тумани ҳокими (**Болтаев**) “Худудий электр тармоқлари” АЖ Кармана тумани филиали (**Бобомуродов**) билан биргаликда “Дўстлик” маҳалласида яшовчи **Л.Каримова** ва **Ю.Худойбердиеваларнинг**;

б) Қизилтепа тумани ҳокими (**Бобомуродов**):

вилоят Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси (**Болтаев**) билан биргаликда “Қалъайи азизон” маҳалласида яшовчи **М.Жумаева** ва **Ў.Неъматоваларнинг**;

вилоят Ўрмон хўжалиги бошқармаси (**Жумаев**) билан биргаликда “Ўртақўрғон” маҳалласида яшовчи **И.Тошимова** ва **М.Тўраевларнинг**;

с) “Ўзагролизинг” АЖ Навоий филиали (**Хотамов**) Нурота тумани “Нурфахр” маҳалласида яшовчи **Д.Назарованинг**;

д) Хатирчи тумани ҳокими (**Адизов**) вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси (**Қобулов**) билан биргаликда “Дамариқ” маҳалласида яшовчи **О.Зулфинова, Ш.Тўхлиева, О.Холниёзова, М.Рахимқуловаларнинг**.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **беш кундан сўнг** юқорида номлари кўрсатилган оилалардаги муаммолар бўйича қайта таҳлил қилиб, натижаси бўйича ёзма ахборот киритилишини таъминласин.

12. Вилоят ҳокими ўринбосари **М.Мамадиярованинг бир ҳафта муддатда** Навбаҳор туманига бириктирилган масъуллар билан биргаликда 4-босқич камбағаллик реестрига киритилган оилаларнинг муаммоларини бартараф этиб, далолатномалар тўлиқ расмийлаштирилиши тўғрисида берган ахбороти маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

13. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **бир кун муддатда** 5-босқич камбағаллик реестрига киритилган оилалар рўйхатини маҳаллаларга бириктирилган масъул раҳбарларга ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларига етказилишини таъминласин.

14. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Хайитова**) 4- ва 5-босқичда камбағаллик реестрига киритилган оилаларнинг тиббиёт ва таълим билан боғлиқ муаммоларини тўлиқ ҳал этилишига шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 январдаги ПҚ-12-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Жумаев**) **уч кун муддатда** камбағаллик реестридаги тадбиркорлик қилиш истагидаги оилаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириб, вилоят ҳокимлигига киритилишини;

вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**), Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг вилоят бошқармаси (**Рўзиев**) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда камбағал оилалар томонидан етиштирилган маҳсулотларни сотиш учун манзилли рўйхатдаги оилаларга деҳқон бозорлари ва супермаркетларда махсус пештахталар ва савдо жойларини ташкиллаштириб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб борилишини;

“Худудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали (**Зарипов**) тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда 21 та оғир маҳаллаларда қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан **беш кун муддатда** вилоят ҳокимлигига ахборот киритилишини;

Ўрмон хўжалиги бошқармаси (**Жумаев**) Кармана (**Болтаев**), Хатирчи (**Адизов**) туманлари ҳокимлари билан биргаликда **беш кун муддатда** бруссонетия дарахти экилган ер майдонларда суғориш тизимини ҳамда қуриб қолган кўчатлар ўрнига янги дарахт кўчатлари экилишини ташкиллаштирасин ва кўрилган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан вилоят ҳокимлигига ахборот киритсин.

16. “Навоийазот” АЖ (**Самадов**) вилоят ҳокимлигининг навбатдаги йиғилишида Хатирчи тумани “Қўрғонтепа” ва “Майдон” маҳаллаларидаги бириктирилган камбағаллик реестридаги оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича олиб борган ишлари бўйича ҳисоботи эшитилиши белгилаб қўйилсин.

Назорати **Э.Авезовга**.

17. Вилоятдаги йирик саноат корхоналари (“Навоий кон металлургия комбинати” АЖ, “Навоийазот” АЖ, “Навоийуран” ДК, “Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ) раҳбарлари томонидан ўзларига бириктирилган маҳаллалардаги камбағал оилаларни камбағалликдан чиқариш ишларини янада жадаллаштирасин.

18. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **бир кун муддатда** олий таълим ва профессионал таълим битирувчилари, меҳнат миграциясидан қайтганлар ва ишсиз алимент тўловчилар бандлигини таъминлаш бўйича ҳисобот жадвалларини шакллантирсин ҳамда кунлик маълумотларни вилоят ҳокимлигига киритиб борсин.

Туман (шаҳар) ҳокимлари олий таълим ва профессионал таълим битирувчилари, меҳнат миграциясидан қайтганлар ва ишсиз алимент тўловчилар бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

19. Навоий давлат университети (**Калонов**), Навоий кончилик ва технологиялар университети (**Мардонов**) олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш ишларини янада жадаллаштириб, **ҳар ҳафта якуни билан** амалга оширилган ишлар бўйича вилоят Штабига маълумотларни киритиб борсин.

Назорати **Ж.Ходжаевга**.

20. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) **бир кун муддатда** Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ректори **Б.Мардонов** фаолияти бўйича белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳамда Олий таълим вазирлигига тақдимнома киритсин.

21. Вилоят прокуратураси (**Муллажонов**)га вилоятдаги ишсиз алимент тўловчилар рўйхатини хатловдан ўтказиш ҳамда ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифлар ижросини ўз назорати остида амалга ошириш тавсия этилсин.

22. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) **бир кун муддатда:**

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси (**Ражабов**) билан биргаликда камбағаллик реестридаги оғир аҳволдаги оилаларнинг таъмирталаб том ва поллари ҳамда иситиш печларига бўлган талабини шакллантириб, вилоят ҳокимига киритсин;

вилоят ҳокимлигида ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларида камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар бандлигини таъминлаш бўйича Штаблар фаолиятини ташкил этсин.

23. Туман (шаҳар) ҳокимлари ўзларининг 1-ўринбосарлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш ҳажмларини камайтирган корхоналар билан манзилли ишлаб, жорий йил якуни билан статистик ҳисоботларда кўрсаткичларни сифатли ва тўғри акс эттирилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

24. ТИФ “Миллий банк” вилоят филиали (**Амонов**), тижорат банклари раҳбарлари билан биргаликда хизматлар соҳасида **жорий йилда 50 минг кишини** даромадли меҳнат билан таъминлашга масъул эканлиги яна бир бор кўрсатиб ўтилсин.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари билан хизматлар соҳасида 50 минг аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш бўйича барча зарур чораларни кўрсин, амалга оширилган ишлар тўғрисида **ҳар ой якуни билан** вилоят ҳокимлигига **ахборот киритиб борсин.**

Назорати **Р.Сулаймоновга**.

25. Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Шаропов**), вилоят АТ “Ипотека банк” (**Ҳамроев**), АТБ “Инфинбанк” Навоий филиали (**Тошпўлатов**), ТИФ “Миллий банк” (**Амонов**), АТ “Алоқа банк” (**Ҳакимов**), Вилоят АТ “Саноатқурилишбанк” (**Қосимов**), АТ “Бизнесни ривожлантириш банки” (**Саидов**) ва АТ “Асака банк” (**Худойназаров**), Кармана тумани ҳокимлиги (**Болтаев**) билан бирга Кармана туманидаги М-37 халқаро йўл бўйи хизмат кўрсатиш лойиҳаларининг, ҳар бир лойиҳа ташаббускори билан шахсан учрашиб, юзага келган муаммоларни ҳал этиб, хизмат кўрсатиш объектларини белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши бўйича барча зарур чораларни кўрсин.

Назорати **Р.Сулаймоновга**.

26. Кармана туман ҳокимлиги (**Болтаев, Ҳусанов**) тегишли масъуллар билан биргаликда “Сардоба” МФЙ ҳудудида ташкил этилиши режалаштирилган мебелчилик микромарказидаги лойиҳаларни белгиланган муддаларда ишга туширилиши бўйича барча зарур чораларни кўрсин.

27. “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМ (**Ботиров**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда “**Драйвер**” лойиҳа объектларида қурилиш ишларини назоратга олиб, жорий йилнинг 15 ноябрига қадар ишларини якунлаб, фойдаланишга топширилишини таъминласин.

28. Нурота тумани ҳокими (**Файзиев**) тумандаги “**Деҳибаланд**” ва “**Чуя**” маҳаллаларига “**Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла**” мақомини бериш бўйича тақдимот лойиҳаларини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг ҳудудга ташрифи доирасида тақдимоти ташкил этилиши белгилаб қўйилсин.

29. Вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Жумаев**) берилган ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” маркази учун мастер режани ишлаб чиқишни молиялаштириш манбалари бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, киритсин.

30. Туман (шаҳар) ҳокимликлари **бир кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги ПФ-173-сонли Фармонида мувофиқ “Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш” бўйича ҳар бир ҳудудда комиссия ва штаб фаолиятини тўлиқ йўлга қўйилишини таъминласин.

Бунда, ҳар бир ШТАБни керакли оргтехник воситалари, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлиқ жиҳозлаш чораларини кўрсин.

31. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Мамадиярова**), Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (**Алиев**), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**), вилоят Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**), вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**), Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Қаюмов**):

жорий йилнинг 10 ноябрига қадар “маҳалла еттилиги” тизимидаги мавжуд бўш иш ўринларини малакали мутахассислар билан тўлдириб, барча ходимларни (соз) планшет қурилмалари билан таъминлаш;

вилоятнинг олис ҳудудларида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларида (*Зарафшон шаҳри, Учқудуқ, Томди, Конимех, Хатирчи, Нурота ва Қизилтепа туманлари*) **жорий йилнинг 20 ноябрига қадар** аҳоли ва қишлоқ хўжалигини тўлиқ рўйхатдан ўтказиш чораларини кўрсин.

32. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Махмудов**), вилоят Фермерлар кенгаши (**Ярлакабов**), вилоят Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (**Низамов**), Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (**Нишонов**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланаётган барча корхоналарни интернет орқали рўйхатдан ўтишини ташкил этсин.

33. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси (**Ражабов**) **бир ҳафта муддатда** “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшовчиларни;

вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**) шифохоналарда узоқ муддатдан буён даволанаётган фуқароларни;

вилоят Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**), вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси (**Қобилов**) ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, жазони ижро этиш муассасалари, ахлоқ тузатиш муассасаларида сақланаётган шахсларни рўйхатга олиш ишларини якунлаб, тегишли масъуллар томонидан **census.stat.uz** орқали рўйхатга олинишларини ташкиллаштирсин.

34. Навоий давлат университети (**Калонов**) **бир кун муддатда** “маҳалла еттиликларини” доимий равишда ўқитиш ишларини ташкил этиш бўйича малакали ўқитувчиларни, психологлар рўйхатини шакллантириб, вилоят штабига тақдим этсин.

35. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (**Раубаева**), вилоят Маданият бошқармаси (**Ниязов**), вилоят Телевиденияси (**Муқимов**), вилоят Статистика бошқармаси (**Ташназаров**) жорий йил ноябрь-декабрь ойларида машҳур спортчи, санъаткор, депутатлар ва блогерлар иштирокида таъсирчан видеороликлар, подкастлар тайёрлаб, телевидение, радио, интернет ва ижтимоий тармоқларда доимий равишда ёритиб борилишини ташкиллаштирсин.

36. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), вилоят Транспорт бошқармаси (**Рахимов**) туман (шаҳар) ҳокимликлари ва вилоят Статистика бошқармаси (**Ташназаров**) билан биргаликда уларга тегишли муассасаларда, жамоат транспорти воситаларида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни тарғиб

қилиш юзасидан инфографика ва роликларни жойлаштириб борилишини таъминласин.

37. Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Қаюмов**) ва вилоят Статистика бошқармаси (**Ташназаров**) барча корхона ва ташкилотлар матбуот хизматлари билан биргаликда “Telegram”, “Instagram”, “Facebook”, “YouTube” каби ижтимоий тармоқларда флешмоб ва челленжлар ташкил этилишини таъминласин.

38. Вилоятдаги барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари, Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси (**Шаропов**) ва тижорат банклари, вилоят Адлия бошқармаси (**Абдуллаев**) ўз тизим ташкилотларидаги электрон экранларда кун давомида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг мақсад ва моҳиятини кенг тарғиб қилиш юзасидан инфографика ва роликларни мунтазам жойлаштириб борсин.

39. Вилоят Статистика бошқармаси (**Ташназаров**) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги ПФ-173-сонли Фармониға мувофиқ “Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш” ишларининг бориши бўйича **ҳар ҳафта якуни билан** вилоят ҳокимлиги (Р.Сулаймонов)га ахборот киритиб борсин.

40. Барча корхона (ташкилот)лар раҳбарларига **“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида** бириктириб берилган майдонларда кўчат экиш учун тайёргарлик ишларини бугундан бошлаш, кўчат экиш учун ерларни тайёрлаш, кўчатлар захирасини яратиш, маҳаллий ўғит жамғариш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ишларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

41. Вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси (**Қодиров**):

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида туман (шаҳар) ҳокимликлари ва корхона (ташкилот)лар билан биргаликда кузги мавсумда ҳудудларда манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларни экиш ишларини ташкил этиб, дарахт кўчатлари захирасини яратиб, ер жойларни экишга тайёрласин;

кузги мавсумда ҳудудларда манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини экиш ишларини назоратга олиб, амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳокимиға кунлик ҳисобот киритиб борсин.

42. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси (**Ниёзов**), “Иссиқлик манбаи” МЧЖ (**Исмоилов**):

бир ҳафта муддатда куз-қиш мавсумиға тайёргарлик доирасида олиб борилаётган ишларни якунлаш;

туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик энергиясини қабул қилиш бўйича тайёргарлик даражасини қайта ўрганиб чиқиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

Назорати **Ш.Ҳамидовга**.

43. Шаҳар ва туман ҳокимларига:

2025-2026 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун захирага жамғарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида танқидий ўрганиб, **уч кун муддатда** ҳокимлар ҳузурида муаммо ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича муҳокама қилсин;

жорий йилнинг **1 декабрига** қадар асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини жамғариш ишларини тўлиқ якунига етказиш чораларини кўрсин;

амалга оширилаётган ишлар юзасидан **ҳар ҳафта** вилоят ҳокимлиги (Р.Сулаймонов)га маълумот (фотолавҳалари билан) киритиб борсин.

44. Туман (шаҳар) ҳокимлари **беш кун муддатда** аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган тартибсиз чиқинди ташлаш пунктлари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

Миллий гвардия вилоят бошқармаси (**Тоиров**) **жорий ҳафта якунига қадар** аниқланган муаммоларнинг бартараф этилганлиги бўйича қайта ўрганиш ўтказиб, фотоальбомларини (олдинги ва ҳозирги ҳолат) вилоят ҳокимлигига киритилишини таъминласин.

45. Вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Жумаев**) **бир кун муддатда** субсидияларни йил якунига қадар ўзлаштирилиши бўйича режа-график ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун вилоят ҳокимлиги (Р.Сулаймонов)га киритсин.

46. Туман (шаҳар) ҳокимликлари **бир кун муддатда** ўзлари раҳбарлигида **Ишчи гуруҳи** тузиб вилоят ҳокимлигига тақдим этсин.

Ишчи гуруҳини вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

субсидияларни йил якунига қадар ўзлаштирилиши ва режа-графикга қатъий риоя этилишини таъминлаш;

хабарномадан фойдаланмаган фуқаролар билан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борган ҳолда мақбул уй-жой топишларида ва ипотека кредитлари ажратилишида амалий ёрдам кўрсатиш.

47. Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси (**Шаропов**) тижорат банклари билан ҳамкорликда субсидия асосида ажратиладиган ипотека кредитларини белгиланган тартибда ва ўз муддатида ажратиш борилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

48. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2025 йил 27 март куни “**Давлат мулкани хусусийлаштириш**” бўйича жорий йилги устувор вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлари (16-сон баён) ижро учун қабул қилинсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси (**Атажанов**), туман (шаҳар) ҳокимлари билан ҳамкорликда бўш ер участкаларини белгиланган тартибга кўра аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўрсин.

49. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси (**Атажанов**) билан биргаликда йиғилиш баёнида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш чораларини кўриб борсин ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимлигига ҳар ой якуни билан ахборот киритиб борилишини таъминласин.

50. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**) ва Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди



Ф.Эшбоев